O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQALPOG`ISTON
RESPUBLIKASI TO’RTKO‘L
TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

O’ZBEKISTAN RESPUBLIKASI
QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI TO’RTKUL
RAYONI HA`KIMININ’
S H E’ S H I M I

231200. Qoraqalpog’iston Respublikasi. To’rtko‘l tumani. To’rtko’l ko’chasi 53-uy
Tel: 532-20-75, 532-20-47, 532-20-37. Faks: 532-30-40

2020 йил “25” 09 № 648 Тўрткўл тумани

Тўрткўл туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги қарори ва туман ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда иш ўринларини энг кам миқдорини белгилаш хамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида берилган таклифларни инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар тоифалари учун иш ўринларини банд қилиши лозим бўлган тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қайд қилинган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар қуйидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар тоифалари учун иш ўринларини банд қилиб қўйишни таъминласин:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 30,1 % (49 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 38,6% (63 киши);

сафарбарлик чақирув захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар 10,4% (17 киши);

ногиронлар учун 3.6% (6 киши);

туман Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган, пенсияолди ёшидаги шахслар учун 3,1% (5 киши);

жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар учун 12,8 % (21 киши);

одам савдосидан жабрланган шахслар учун 1,2% (2 киши).

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2020 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2021 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳарбир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

5. Муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича туман ҳокимининг ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларнинг ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланиши бўйича огоҳлантирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи асосида Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга харбир ходим учун 12 ой давомида хар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида хақ тўлаш тўғрисида субсидиялар ажратилиши белгилансин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (У.Айитбаев) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

8. Туман ҳокимининг 2019 йил 24 сентябрдаги 4957-сонли “Тўрткўл туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги қарори 2020 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг ижросини бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Ибадуллаев зиммасига юклатилсин.

Тўрткўл туманҳокими **Р. Шамуратов**

Тўрткўл тумани ҳокимининг
2020 йил 25 сентябр кунги
618 - сонли қарорига илова

Тўрткўл туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ўринларнинг 2021 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхоналар рўйхати

№	Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шиҳсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корҳона ва ташкилотлар номи	Квота иш ўринларини яратадиган корҳонда ишловчилар сони	Келгуси йилга заҳирага қуйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони	Шу жумладан						
				14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун иш ўринлари	Умумий ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ва давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун иш ўринлари	Сафарбарлик чақирик заҳирасида ҳизматни ўтаган ва қуролли кучлар сафидан муддатли ҳарбий ҳизматдан бўшатилган шахслар учун иш ўринлари	Ногиронлиги бўлган шахслар учу банд қилинган иш ўринлари	Пенсияолди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки судининг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун иш ўринлари	Одам савдоси қурбонлари учун иш ўринлари
1	Ободонлаштириш бошкармаси	176	15	2	0	3	1	1	8	0
2	Тўрткўл туман ўрмон хўжалиги	44	2	0	0	1	0	0	1	0
3	Тўрткўл туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	88	9	3	0	3	1	0	2	0
4	Тўрткўлдонмахсулот МЧЖ	106	12	1	0	3	2	2	4	0
5	Тўрткўл Тиббиёт бирлашмаси	1627	31	14	7	4	2	2	0	2
6	Тўрткўл шиша идишлари корхонаси	105	7	0	5	0	0	0	2	0
7	Тўрткўл Барака текстил МЧЖ	201	11	5	4	2	0	0	0	0
8	ЖО ЖО КИДС МЧЖ	71	5	2	0	0	0	0	3	0
9	Тўрткўл агропилла МЧЖ	35	6	4	0	1	0	0	1	0
10	1-сонли умумий ўрта таълим мактаби	112	5	2	3	0	0	0	0	0
11	3-сонли умумий ўрта таълим мактаби	73	2	0	2	0	0	0	0	0
12	5-сонли умумий ўрта таълим мактаби	129	5	2	3	0	0	0	0	0
13	9-сонли умумий ўрта таълим мактаби	82	5	2	3	0	0	0	0	0

14	12-сонли умумий ўрта таълим мактаби	68	2	0	2	0	0	0	0	0
15	13-сонли умумий ўрта таълим мактаби	66	2	0	2	0	0	0	0	0
16	14-сонли умумий ўрта таълим мактаби	81	5	2	3	0	0	0	0	0
17	16-сонли умумий ўрта таълим мактаби	76	2	0	2	0	0	0	0	0
18	18-сонли умумий ўрта таълим мактаби	82	5	2	3	0	0	0	0	0
19	21-сонли умумий ўрта таълим мактаби	67	2	0	2	0	0	0	0	0
20	22-сонли умумий ўрта таълим мактаби	80	5	2	3	0	0	0	0	0
21	27-сонли умумий ўрта таълим мактаби	46	1	0	1	0	0	0	0	0
22	29-сонли умумий ўрта таълим мактаби	62	2	0	2	0	0	0	0	0
23	30-сонли умумий ўрта таълим мактаби	130	5	2	3	0	0	0	0	0
24	33-сонли умумий ўрта таълим мактаби	47	1	0	1	0	0	0	0	0
25	40-сонли умумий ўрта таълим мактаби	79	5	2	3	0	0	0	0	0
26	44-сонли умумий ўрта таълим мактаби	48	1	0	1	0	0	0	0	0
27	45-сонли умумий ўрта таълим мактаби	114	5	2	3	0	0	0	0	0
28	56-сонли умумий ўрта таълим мактаби	36	1	0	1	0	0	0	0	0
	59-сонли умумий ўрта таълим мактаби	41	1	0	1	0	0	0	0	0
	60-сонли умумий ўрта таълим мактаби	35	1	0	1	0	0	0	0	0
	63-сонли умумий ўрта таълим мактаби	35	1	0	1	0	0	0	0	0
	65-сонли умумий ўрта таълим мактаби	38	1	0	1	0	0	0	0	0
Туман буйича жами		**4080**	**163**	**49**	**63**	**17**	**6**	**5**	**21**	**2**